

Халқ сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 16 июнь, № 118 (5285)

Пайшанба

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ: ҲАМЖИҲАТЛИҚДА ГЛОБАЛ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА БАҲҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ



ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг 2011 йил 14-15 июнь кунлари Остона шаҳрида бўлиб ўтган ўн биринчи мажлиси якунларига доир

ШХТ Давлат раҳбарлари кенгаши расмий дастури 15 июнь куни Мустақиллик саройида Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қирғизистон Республикаси Президенти Роза Отунбаева, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирокида тор доирадаги учрашувдан бошланди.

Мажлисида ШХТ доирасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболли йўналишлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро сиёсатга оид долзарб масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Аънаваги бинодан, мажлис кенгайтирилган таркибда давом эттирилди. Унда ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари билан бирга кузатувчи мақомидаги давлатлар делегациялари раҳбарлари — Эрон Президенти Махмуд Аҳмадинеждод, Покистон Президенти Осиф Али Зардорий, Ҳиндистон тақши ишлар вазири Соманхаалли Кришна, Мўғулистон Президенти маъмурияти раҳбари Баттулга Дашжамц, раислик қилувчи мамлакат мехмони сифатида тақриф этилган Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай, шунингдек, БМТ, МДҲ, ОДҚБ каби қатор халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Мажлис қатнашчилари ШХТ мақомида ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириш йўллари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Минтақавий масалалар, жаҳондаги воқеалар, жумладан, Афғонистондаги вазиятга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Президенти ШХТнинг ўн йиллик фаолиятига баҳо берар экан, тарихан қисқа вақт ичида Ташкилот эътиборли ва нуфузли халқаро тузилма сифатида шаклланишини таъкидлади.

ШХТ доирасида салмоқли шартномавий-ҳуқуқий пойдевор яратилди, унинг институционал

асоси шакллантирилди, тузилмавий органлари барқарор фаолият кўрсатмоқда, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликни изчил кенгайтириш ва ривожлантириш, транспорт-коммуникация алоқаларини фаоллаштириш таъминланмоқда. Булар Ташкилотнинг очиллиги, барча манфаатдор давлатлар ва халқаро тузилмалар билан ҳамкорликка тайёр эканидан далолатдир.

“Шу муносабат билан ШХТнинг халқаро нуфузини янада оширишга ҳизмат қиладиган куйидаги омилларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман, — деди Ислам Каримов. — ШХТ, аввало, ўзининг асосий тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, минтақада барқарорлик ва хавфсизликни сақлашнинг ишончли кафолати сифатида майдонга чиқмоқда, дунё тез ўзгарувчан, нотинч бўлиб турган ҳозирги замонда бу ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, бу ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда кўп томонлама самарали ҳамкорликни ташкил этиш борасида қўйилган ва баҳарлаётган вазибалар, бунинг учун зарур шартномавий-ҳуқуқий асосни шакллантириш ва ҳар бир мамлакат учун аҳамиятли бўлган йирик лойиҳаларни амалга оширишдир.

Учинчидан, ШХТ давлатларнинг тенг ҳуқуқли бирлашмаси бўлиб, унинг фаолияти бошқа мамлакатларнинг манфаатларига қарши қаратилмаган ва қарама-қаршилик қиладиган блок ҳусусиятига эга эмаслиги яққол намоён бўлмоқда”.

Мамлакатимиз раҳбари Ташкилот доирасидаги ҳамкорлик истиқболларига тўхта-лар экан, бунда ШХТ Хартиясидаги мақсадлар, вазифа ва тамойилларга тўла мос равишда синовдан ўтган сиёсатни давом эттириш, “Шанхай жа-раёни”нинг барча иштирокчилари манфаатларига бирдек жавоб берадиган ҳамкорликнинг асосий йўналишларини ҳаётга татбиқ этиш устувор жиҳатлар эканини таъкидлади.

Президент Ислам Каримов ШХТни янада муваффақиятли ривожлантириш аъзо давлатларнинг муайян амалий натижаларга эришишига, аввало, барқарор тараққиётни таъминлаш ва бутун минтақа мамлакатлари аҳолиси фаровонлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларига боғлиқ эканини қайд этди.

ШХТ мақомида истиқомат қиладиган халқлар ҳамкорлигидаги фаолиятнинг самараларини аниқ мисолларда кўрсатишга, ШХТнинг мавқеи ва нуфузи янада ошадди.

Ўзбекистон ШХТ мақомида миллий ва трансшегаравий аҳамиятга молик автомобиль, темир йўл ва ҳаво йўли коммуникацияларини барпо этиш ва модернизация қилиш бўйича инвестиция дастурларини амалга ошириш, шунингдек, замонавий логистика марказлари ва хаблар яратиш тарафдоридир. Бу ишларнинг амалга оширилиши ШХТга аъзо давлатларнинг Европа Иттифоқи, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга ҳизмат қиладди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Хитойнинг ШХТ Тараққиёт банкни тузиш тўғрисидаги тақлифи амалга оширилишини муҳим, деб ҳисоблайди. Бу Ташкилот доирасида социал-иқтисодий ва инфратузилмага оид устувор лойиҳаларни молиялаштиришнинг кўп томонлама механизмини шакллантиришга йўналтирилган, аъзо мамлакатлар олдида турган умумий вазибаларни янада самарали баҳарши имконини беради.

Бу борада жорий йилнинг апрель ойида Ашхободда имзоланган Ўрта Осиё — Форс кўрфази янги халқаро транспорт йўлагини шакллантириш тўғрисидаги давлатлараро битимнинг ҳаётга жорий қилиниши муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Истиқболда бу йўлак ШХТ мақомида ерусти йўллари орқали Форс ва Уммон кўрфазларидаги бандаргоҳлар билан боғлаш имконини беради.

Мамлакатимиз раҳбари Марказий Осиёдаги вазиятга баҳо берар экан, дунёда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хавф-хатарлар кучайиб бораётган ҳозирги шароитда минтақамиз ўз геосиёсий ва геостратегик аҳамияти, бой табиий ресурслари туфайли жаҳон ҳам-жамиятининг диққат марказида қалаётганини таъкидлади.

Афғонистонда 30 йилдан буюн давом этаётган уруш нафақат минтақамизда, балки бутун дунёда тинчлик ва осойишталикка раҳна солмоқда. Жаҳон ҳамжамияти барча чора-тадбирларни кўраётганига қарамай, таассуфки, бу ердаги вазият мурраккаблигича қолмоқда.

“Бугунги кунда афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Деярли барча давлатлар, жумладан, афғон муаммосини ечишга жалб қилинган мамлакатлар раҳбарлари, шунингдек, бевосита Афғонистондаги коалиция кучлари ҳарбий кўмадонлиги ҳам бу ҳақда сўз юритмоқда, — деб таъкидлади Ислам Каримов. — Бизнинг қатъий фикримизга кўра, ўз мамлакатининг муаммоларини афғон халқининг ўзи ҳал этиши керак. Фақат қарама-қарши томонларни муросяга келтириш, бу жараёнга афғонистонликларнинг ўзини жалб қилиш, шунингдек, жаҳон ҳамжамияти ёрдами билан Афғонистонни социал-иқтисодий тиклаш орқалиги чикши боши берк кўчадан чиқиб йўлини топиш мумкин. Бу ҳақда Ўзбекистон томони 2008 йилнинг апрель ойида Бухарестда баёнот берган эди. Биз Афғонистон келажагини тинч, барқарор ривожлантаётган, атрофидаги мамлакатларга ҳеч қандай таҳдид солмайдиган давлат сифатида кўрамоқдамиз. Токи мазкур минтақада яшайдиган халқлар илгаригидек дўстона, ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли муносабатларнинг имкониятларидан тўлалигича фойдалана олсинлар. Ўзбекистон бундан буюн ҳам Афғонистонга нисбатан ўзаро миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда, икки томон-

лама асосда яхши қўшничилик ва ҳамкорлик сиёсатини юритавради”.

Мажлисида томонлар ШХТга аъзо давлатларнинг глобал ва минтақавий муаммоларга қарашлари кўп жиҳатдан ўхшаш эканини қайд этиб, ўзаро яқин ҳамкорликка тайёр эканликларини билдирдилар.

Саммит якунида ШХТ доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди. Ўтган даврда ШХТ фаолиятининг асосий натижалари ва уюқларини, аъзо давлатларнинг минтақа ва дунёдаги бугунги вазиятга қарашларини, шунингдек, минтақада хавфсизлик ва устувор йўналишларда ШХТ доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга оид долзарб муаммолар ечимига ёндашуларини ақс эттирган Ўн йиллик декларацияси қабул қилинди.

Шунингдек, 2011 — 2016 йилларга мўлжалланган Антинаркотик стратегия ва уни баҳарши бўйича Ҳаракат дастури тасдиқланди. Бу ҳужжатлар ШХТ мақомида наркотиклар билан боғлиқ таҳдидларни бартараф қилиш бўйича биргалликдаги ҳаракатлар самардорлигини оширишга ҳизмат қиладди.

2010 йилда Тошкент саммитида тасдиқланган ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низоом асосида Ташкилотга давлатларни қабул қилиш процедурасини тартибга солиш мақсадида ШХТга аъзо мамлакат мақомида олиш учун ариза берган давлатнинг мажбуриятлари тўғрисидаги намунавий меморандум имзоланди.

ШХТга аъзо давлатларнинг ваколатли вакиллари томонидан Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларро битим имзоланди. Бу битим томонлар ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларни назорат қилиш, дори воситаларининг хавфсизлиги ва сифатини, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, фавулодда вазиятларда тиббий ёрдам кўрсатиш каби йўналишларда ҳамкорликни назарда тутди.

Давлатимиз раҳбари анжуман якунларини сарҳисоб қилар экан, “барчамиз учун долзарб бўлган муаммолар юзасидан очик ва конструктив фикр алмашув натижалари ҳамда нарқобизнесга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик ва ШХТни кенгайтириш бўйича бугун қабул қилинган қарорлар Ташкилотга аъзо мамлакатлар хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга, унинг самардорлигини оширишга қаратилган навбатдаги қадам бўлади”, деб ишонч билдирди.

Саммит якунида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ШХТ 10 йиллик фаолияти мобайнида, халқаро ва минтақавий вазият қанчалик жиддий ўзгарганига қарамай, барча синоваларга муносив тарзда дош бериб, аъзо давлатлар ўртасида яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим механизми сифатида майдонга чиққани таъкидланди.

Саммитда ШХТга раислик Хитой томонига ўтди. Давлат раҳбарларини Хитой Халқ Республикасининг ўз раислиги даврини ШХТ мақомида “Яхши қўшничилик ва дўстлик йили” деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватладилар.

Шу билан ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн биринчи мажлиси ўз ишини якунлади.

(ЎЗА).
Фарҳод ҚУРБОНОВ
олган сурат.

Ўзбекистон пахта ишлаб чиқариш борасида дунёда бешинчи ва уни экспорт қилиш бўйича эса иккинчи ўринда туради. Мамлакат умумий ишлаб чиқариш тармоғида енгил саноатнинг улуғ салмоқли миқдорни ташкил этади. Мазкур соҳа юртимизда қадимдан ривожлантириб келинган бўлиб, хусусан, Буюк Ипақ йўлига асос солинган даврлардаёқ маҳаллий хунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар, айниқса, йигирилган ип ва газламалар дунёнинг кўплав мамлакатларида машҳур эди.

ЕНГИЛ САНОАТ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда саноатни ривожлантиришга йўналтирилган иқтисодий таъминоти тубдан ўзгартирилди. Бугунги кунда республика енгил саноатининг асосий қисми ип-газлама, ипақ, тикуччилик ва тўқимачилик каби соҳаларда ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарни бирлаштирган “Ўзбекистон саноат” давлат-акциядорлик компанияси таркибига кирди.

Айтиш жоизки, хорижий сармоянинг барқарор тарзда жалб этилиши мамлакатда тўқимачилик соҳасининг тез суръатларда ривожланишига асосий туртки бўлиб хизмат қиладди. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларининг 75 фоизи ушбу тармоқ фаолияти учун асбоб-ускуналар олиштиришга берувчи дунёдаги етакчи компанияларнинг энг замонавий жиҳозлари ўрнатилган қўшма ва хорижий корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Мазкур соҳага маблағ киритилган хорижий сармоядорларни мамлакатимизнинг, аввало, сифатли хом ашё омилли, малакали ишчи

кучи, тайёр корхона майдонлари, давлат томонидан улгар яратиб берилаётган имтиёз ва қўлайликлар ўзига жалб этади.

Айни пайтда Ўзбекистон бозорига Жанубий Кореянинг қатор тўқимачилик компаниялари қизиқиш билдиришмоқда. Хусусан, шу кунларда юртимизга Корея Республикаси Миллий ассамблеяси депутаты Ким Ён Гу раҳбарлик қилувчи ушбу мамлакат ишбилармон

доиралари ва “Youngone” компанияси вакиллари билан иборат бўлган Жанубий Корея делегацияси ташиф бўлиди. Делегация раҳбари ташиф якунида “Жаҳон” ахборот агентлиги мубори билан суҳбатда Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг енгил саноат соҳасидаги ҳамкорлигининг ёрқин истиқболлари борасидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Хусусан, у Ўзбекистонда енгил саноат салоҳиятининг юқори эканлигини алоҳида таъкидлади. Унинг фикрича, айнан ушбу соҳага инвестицияларни жалб этиш яхши натижалар беради.

(Давоми 2-бетда).

КОНЦЕПЦИЯ: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш, айниқса, демократик бозор ислохотлари ва иқтисодий либераллаштириш янада ривожлантиришга ҳизмат қилувчи “Инновациялар ва иқтисодий модернизация қилиш тўғрисида”ги қонун зарурлигига эътибор қаратилди.

ИННОВАЦИЯЛАР — ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЗАРУР ШАРТИ

Дарҳақиқат, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нанотехнологиялар, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергия манбаларида фойдаланиш соҳасида, яъни илгор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб бериши айтилган заруратдир.

Бугун иқтисодийнинг барча тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш юзасидан кенг қўламли фундамантал тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар устида изчил изланишлар олиб борилаётгани замирида аслида мана шу мақсадлар муҳасамдир. Фундамантал тадқиқотлар, инновацион лойиҳалар, умуман олганда, интеллектуал мулкнинг айрим объектиларини бозорга жалб этишда баъзи бир масалалар сақланиб қолмоқда. Уларга ечим топиш учун, аввало, ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўзига хос қараш талаб этилади.

Бу эса, Президентимиз таъкидлаганидек, “Инно-

вациялар ва иқтисодий модернизация қилиш тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозимлигини талаб этади. Айнан ана шу қонун интеллектуал мулкни фуқаролик муомаласига киритиш ва унинг қўлланилишини кенгайтиришга, яъни мамлакат рақобатбардошлигини ошириш мақсадида давлат бюджети ва маблағлари ёки жалб этилган манбалар ҳисобига яратилаётган интеллектуал фаолият натижалари ва улгар тенглаштирилган объектларни барпо этиш, улгардан фойдаланиш, муҳофаза қилиш ҳамда тижоратлаштириш билан боғлиқ муносабатлар мажмуини ўзида мустақиллаштириши мумкин.

Мазкур қонун лойиҳасида бундай ноёб товар туридан самарали фойдаланиш таъминлашга қаратилган инновация тизими субъекти — илмий текшириш институтлари, олий ўқув юртлиари, инновация марказлари, ваколатли давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга ҳизмат қилувчи ҳуқуқий механизм ўз ифодасини топиши назарда тутилган.

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОН 24 соат ичида

Ишлаб чиқаришга сармоя

Буюк Британия автомобилсозлик саноати ривожланишининг янги босқичида.



Яқинда Германиянинг "BMW" компанияси мазкур мамлакатда ишлаб чиқариш...

Етакчиликти бий бериши мумкин

Япониянинг "Nokia" молиявий корпорацияси экспертлари таҳминга кўра, жорий чорада...

Манбага кўра, 1996 йилдан буён Финляндиянинг "Nokia" компанияси...



Масалан, "IDC", "Gartner" ва "Canalys" каби компанияларнинг таҳлилчилари...

Ўрмон ёнғинлари кузатилмоқда

АҚШнинг Аризона штатида давом этаётган ўрмон ёнғинлари кўламини тобора кенгайтириб, талафотлари ортиб бормоқда.




Хусусан, айни пайтга келиб табиий офатдан зарар кўрган майдон 1900 квадрат метрга етган.

Аризона тарихида бундай катта талафотларга сабаб бўлган ўрмон ёнғинлари олдин кузатилмаган.

Янги лайнер намунаси

Европанинг "Airbus" авиакомпанияси янги турдаги самолёт намунасини яратганини билдирди.



учин алоҳида хона ташкил этиш кўзда тутилган. Ушбу русуми 2050 йилдан бошлаб ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Тартибсизлик келиб чиқди

Венесуэланинг Миранда штатидаги "Эл-Родео" қамоқхонасида тартибсизлик келиб чиқди, дея хабар тарқатди "Франс Пресс" ахборот агентлиги.

Оқибатда 19 киши ҳаётдан кўз юмган, 20 нафарга яқин одам тан жароҳати олган.

Бу "Эл-Родео"да юз берган биринчи тартибсизлик эмас. 1999 йилда бу ерда содир этилган тўполонда 27 нафар маҳбус ҳаётдан кўз юмган эди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Кейинги йилларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган замонавий уй-жойлар мамлакатимиз қишлоқлари қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

ОБОД ГЎШАЛАР ФАЙЗИ

Қорақалпоғистон Республикасида мазкур хужжатга мувофиқ, сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида 4 та гузар, 13 та савдо шохобчаси, 2 та новвойхона, 6 та спорт майдончаси, 2 та минибанк, 3 та милиция туманидаги Қиличчиқ ва Нукус туманидаги Узункўл мавзеларида 20 тадан, жами 100 та янги уй-жой барпо этилиб, хонадон соҳибларига тортиқ қилинган эди.

Янги уйга кўчиб келадиган аҳолига қулайлик яратиш, сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида 4 та гузар, 13 та савдо шохобчаси, 2 та новвойхона, 6 та спорт майдончаси, 2 та минибанк, 3 та милиция туманидаги Қиличчиқ ва Нукус туманидаги Узункўл мавзеларида 20 тадан, жами 100 та янги уй-жой барпо этилиб, хонадон соҳибларига тортиқ қилинган эди.

да инфратузилма ва сервисни ривожлантириш мақсадида апрель ойида 14 та объект қурилиши бошлаб буюрилди.

Бунёдкорлик

— Айни пайтда шаҳар ва туманларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.



этириляётган бўлса, 30 та қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда меъморий-режалаштириш ишлари олиб борилаёпти.

Натижада жорий йилнинг биринчи чорагида ушбу мақсадларга 49,96 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди.

ўртасида тендер савдолари ташкил этилаётир.

Таърибли мутахассис В. Ли бошқараётган Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси Қорақалпоғистон бошқармаси жамоаси ҳам Оролбўйидаги капитал қурилиш ишлари ва уни назорат қилишда фаол қатнашмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, истиқлолнинг ҳар бир йили Оролбўйи минтақаси аҳолиси ҳаётида улкан бунёдкорлик, фаровонлик йили сифатида муҳрланиб қолмоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ. 1

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи маъмурияти. Ўзбекистон Республикаси. Молия вазирлиги томонидан 2011 йил 15 июндаги 19-03-22-05-ЎЗР 26-2011-сонли реестрга асосан, 2011 йил 1 июлдан бошлаб, заводда ишлаб чиқарилаётган газ турбинали двигателлар учун авиация ёқилғиси «Джет А-1» маркали маҳсулотининг 1 тоннаси нархи 735000 сўм қилиб тасдиқланганини истеъмолчиларга маълум қилади.

UZTRANSOAZ. «ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ. Ҳурматли юртдошлар! Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги 283-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 1 июнидан 1 октябрга қадар республика табиий газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда.

Изланиш ТАДБИРКОР КОРХОНА ОҚДИ. Ҳазорасплик Илҳом Давлетов тадбиркорларга яратиб берилган имтиёзлардан самарали фойдаланиб, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Бизнес Ҳазорасп» хусусий корхонасини ташкил этди.

ООО «СОРБ-ТЕХ». производство лекарственных препаратов для медицины и ветеринарии, а также высокоэффективных сорбирующих материалов. Препарат «Бакстимс» Противовоспалительное, ранозаживляющее, бактериостатическое и иммуностимулирующее средство.

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР. ТОШНЕНТАГИ ОМБОРКОНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ. «КЧМ» ЧҮЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ. Табиий газ, қуруқ ва суюқ йиллигида ишлайдиган, Россия ҳамда Европа стандартлари талабига мос. ФИК 79% дан 90% гача.

Шунингдек: КАФЕЛЬ (девор ва пол учун) САНТЕХНИКА (катта ҳажмда унитаз ва қўловгичлар) ЧҮЯН ВАННА ВА ДУШ ПОДДОНЛАРИ. Тел./факс: 267-35-73.

«Халқ сўзи»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

Труба Заводи ҚК. Труба Заводи ҚК ўзидан ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар КҚС билан кўчирилган). Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

Nestle «Nestle Uzbekistan» MChJ. Тошкент шаҳридаги заводда қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш учун танлов эълони қилади. Тақвода иштирок этиш учун буюртманомага қўйиладиган ҳужжатларга эътибор қилиш керак:

